



БАНКЛАРДА ИСЛОМ ДАРЧАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАРУРИЯТИ

Нурмуродова С.А

Ўзбекистон Республикаси Банк молия ақадемияси магистри

Аннотация: Банкларда ислом дарчалари фаолиятини ривожлантириш рақобатбардош бозор иқтисодиётiga ўтиш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш имкониятини беради. Ушбу институт тамойиллари ва таърифларини жорий этилиши мамлакат иқтисодий тараққиётининг янги босқичида муҳум аҳамият касб этади.

Ушбу мақолада ислом молия тизимлари тушунчаси, унинг хусусиятлари ва аҳамияти, миллий минталитет ва ижтимоий ҳаётга таъсир, ислом молияси тамойиллари, дарчаларини ташкил этишдаги муаммолари ва уларнинг ечимлари таҳлил этилган.

Мақола ислом молияси бўйича амалга оширилган тадқиқотлар ва қонунчилик таҳлиллари асосида тайёрланган. Унда банкларда ислом дарчаларини ташкил этишининг аҳлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий ва қадрлар таъминотига доир масалалар ўрганилган ва бу юзасидан муаллифлик ҳулосалари шакллантирилган.

Таянч сўзлар: Ислом молияси, диний эътиқод, рибо, ислом молияси тамойиллари ва тарифлари.

Мамлакатимизда ижтимоий-иктисодий соҳани ислоҳ қилиш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар натижадорлигини тубдан ошириш, шунингдек, 2022 – 2026 йилларда ҳудудлар, тармоқлар ва соҳаларни ривожлантириш бўйича дастурларни илмий асосланган инновацион ёндашувлар асосида ташкил этиш давлат сиёсати даражасига кўтирилган масалалардан биридир¹. Давлатнинг иқтисодий асосларини ривожлантиришда миллий минталитетни, диний ва аҳлоқий қадриятларни ҳамда давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Ана шундай иқтисодиёт асосларидан бири бу – ислом молиясидир.

Ислом молияси – шерикчиликка асосланган, актив билан таъминланган, аҳлоқий, барқарор, атроф муҳит ва ижтимоий масалаларга нисбатан масъулиятли бўлган молиявий тизимдир². Мазкур тизимда асосий эътибор хатарларни ўзаро тақсимлаш, молия соҳасини реал иқтисодиёт билан боғлаш,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 августдаги “Ижтимоий-иктисодий ривожланишда иқтисодий тадқиқотлар сифати ва ролини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-5223-сон қарори.

² Жахонгир Имамназаров. Ислом молия маҳсулотларини ўзбекистонда татбиқ қилиш ва кўллаш юзасидан ўтказилган тадқиқот натижалари бўйича таҳлилий хисобот. УНДП, 2020 (www.uz.undp.org)



молиявий имкониятлар ҳамда жамият фаровонлигини ошириш масалалариға қаратилған³.

Ислом молияси ҳақида сүз кеттінде, дастлаб бу борада билдирилған қарашларни таҳлил қилиш мақсадға мувофиқ. Мисол учун, З.Иқболнинг фикрича, ислом молияси мавжуд имконият (ресурслар)ни моддий ва маънавий жиҳатдан тұғри тақсимлашга асосланған жамиятда ижтимоий адолатни тарғиб қылувчи тизимдир⁴. А.Гайт ва А.Уортингтонлар эса ислом молияси шариат тамойиллари асосида амалға ошириладиган молиявий хизмат ёки маҳсулотлардир, деб таъқидлайди⁵. М.К.Левис ва Л.М.Алгауда кўра, ислом молиясининг ўзига хослигини ёки асосини ташкил этувчи бешта диний хусусият мавжуд. Булар рибо (фоиз), ҳаром (тақиқланған) ёки ҳалол (рухсат этилған), ғарар (ноаниқлик) ёки майсир (қимор), закот ва шариат (ислом) кенгаши⁶.

Ислом молия тизими ғарб молия тизимидан қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қиласы:

бириңчидан, ислом молия тизими тенглик, адолатли жамият ва иқтисодий тартиб учун интилади⁷. Демак, ислом молия тизимидан адолатпарварлық, аҳлоқий сифатларнинг устиворлиги, молиявий ресурсларни тұғри тақсимлаш, фоизнинг (рибо) тақиқланиши, эксплуатациядан, нархларни манипуляция қилиш орқали фойда олишдан қочиш ва камбағалларни (яъни қарз оловчы) ҳимоя қилиш асосий мақсад ҳисобланади;

иккинчидан, ислом молия тизими ҳамкорлик ва биродарлик тамойилига урғу беради. Бу анъанавий молия тизимидаги тадбиркорнинг кредитга лаёқатлигидан кўра бизнес самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган таваккалчилик, фойда ва зарарни тақсимлаш тизимидан далолат беради.

Бугунги кунда ислом молиясини жорий этишнинг энг самарали йўли банкларда ислом дарчаларини ташкил этиш жараёнларини жонлантириш ҳисобланади. Мамлакатимизда ислом молиясини жорий этиш борасидаги ilk қадамлар 2000 йилларга бориб тақалади. Хусусан, ушбу даврда мамлакатимиз Ислом тараққиёт банкига (2003) ва хусусий секторни ривожлантириш ислом корпорациясига (2004) аъзо бўлди. Ушбу институтлар ислом молия бозорига киришда кенг қамровли имкониятлар эшигини очди.

Бугунги кунда, мамлакатимизда 36 миллиондан ортиқ турли миллат ва элатлар истиқомат қиласы. Бироқ, ушбу фуқароларнинг аксариятини (93 %) Ислом динига эътиқод қилувчилар ташкил қилмоқда. Демак, мамлакат ижтимоий ҳаётида диний қадриятлар устиворлик хусусиятига эга. Асрлар давомида ушбу қадриятлар жамият ва давлат бошқарувига ўз таъсирини

³ <https://www.worldbank.org/en/topic/financialsector/brief/islamic-finance>

⁴ Замир Иқбалис Висэ Пресидент, Финансэ, анд Чief Financial Officer at the Islamic Development Bank.

⁵ Gait , A. and Worthington, A. (2008). An empirical survey of individual customer, business firms and financial institution attitudes towards Islamic methods of finance, International Journal of Social Economics, 35(11), 783-808.

⁶ Lewis M.K. and Algaoud L.M. (2001). Islamic Banking. Northampton, Massachusetts, USA: Edward Elgar Publishing Ltd.

⁷ . Mirakhor, A. and Iqbal, Z. (2011). An Introduction To Islamic Finance : Theory and Practice. Singapore: John Wiley & Sons



үтказиб келган. Мазкур ҳолатлар ислом молияси миллий қадрияти сифатида фуқароларнинг ҳаёт тарзига сингиб кетганини яна бир бор тасдиқлайди.

Амалдаги қонунчиликка кўра, тадбиркорлик хукуки субъектларининг фаолияти давлат томонидан доимий равишда қўллаб-қувватланади. Бироқ, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда миллий минталитет ва қадриятларни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Ушбу ҳолат фуқароларга қонунда белгиланган хукуклардан тўлақонли фойдаланишда тенг имконият бермайди.

Савдо-саноат палатасининг БМТ ТД доирасида ўтказган сўровнома натижаларига кўра, респондентларнинг аксарияти (бизнес вакилларининг 38 %, жисмоний шахсларнинг 56 %) ўз диний эътиқодлари сабабли анъанавий банклардан кредит олмаслигини маълум қилишган (1-жадвал)^{8,9}.



1-жадвал. Сўровнома натижалари

Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Ислом шариатига кўра, қарз берувчи қарздордан маълум вақт муқобилига асл мол устига оладиган қўшимча маблағ – рибо саналади. Аллоҳ таоло муқаддас Куръони Каримнинг Бақара сурасида шундай марҳамат қиласи:

“Рибони ейдиганлар (қабрларидан) фақат шайтон уриб, жинни бўлган кишидек турарлар. Бу уларнинг «Тижорат ҳам рибога ўхшаш-да», деганлари учундир. Ҳолбуки, Аллоҳ тижоратни ҳалол қилган, рибони эса ҳаром қилган. Бас, кимки Роббидан мавъиза келганда тўхтаса, аввал ўтгани ўзига ва унинг иши Аллоҳга ҳаволадир. Кимки яна (рибога) қайтса, ана ўшалар олов соҳиблари дир. Улар унда мангу қолувчиidlар” (275-оят).

«Эй иймон келтирганлар! Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳга тақво қилинг ва рибонинг сарқитини ҳам ташланг» (278-оят). “Агар ундей қилмасангиз, Аллоҳ ва Унинг Расули томонидан бўладиган урушга ишонаверинг. Агар тавба қилсангиз, сармоянгиз ўзингизга. Зулм қилмассиз ва сизга ҳам зулм қилинмас” (279-оят).

⁸ С.З.Аброров, Ж.М.Имамназаров. Ислом молияси: Ўзбекистон учун янги имкониятлар. Макола. Иқтисодиёт ва таълим / 2021 йил, 4-сон. 146-159.

⁹ Ислом молияси хақида нималарни биламиш? <https://www.gazeta.uz/uz/2022/10/17/islamic-finance/>



Ислом шариатига кўра, рибо катта гуноҳ эканлиги ҳадислар билан ҳам тасдиқланган. Масалан, Жобир розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисга кўра:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рибоҳурни, унинг едирувчисини, котибини ҳамда икки шоҳидини лаънатладилар ва «Улар баробардирлар», дедилар».

Абдуллоҳ ибн Ҳанзала розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Кишининг билатуриб судхўрликдан еган бир дирҳами ўттиз олти марта зино қилганидан оғирроқдир» (Имом Аҳмад, Табароний ривояти).

Баро ибн Озиб розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Судхўрликнинг етмиш иккита тури бўлиб, уларнинг энг кичиги кишининг онасига яқинлик қилиши билан баробардир. Судхўрликнинг энг ярамаси эса, кишининг ўз биродари номусига тажовуз қилишидир» (Табароний ривояти).

Боиси, судхўрлик борасида Қуръони Каримда белгиланган нормалар императив хусусиятга эга. Уларни айланиб ўтиш ёки муҳокама қилиш мумкин эмас. Айнан ушбу ҳолатлар ислом дини қадриятларга амал қилувчилар учун банклар таклиф этаётган кредитлардан фойдаланмаслиknинг асосий сабаби ҳисобланади. Бу эътиқод масаласи бўлиб, ўз навбатида, фаолиятни молиялаштириш билан боғлиқ бошқа муаммоларга ҳам таъсир этади.

Ислом молия тизими иқтисодий ресурсларини жамият ичида адолатли тақсимотига катта эътибор қаратади. Бусиз ижтимоий баркамоллик (уйғунлик) ва иқтисодий ўсишни таъминлаш мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Ушбу тизим пул маблағларидан фойдаланиш ва тақсимлаш жараёнида ислом хуқуқи нормаларига мос келувчи иқтисодий муносабатларни қамраб олади.

Шу билан бирга, Ислом молия тизмида қарз бериш ёки олиш эвазига фойда кўриш (фоиз) тақиқланган, барча молиявий жараёнлар эса ҳақиқий иқтисодий фаолиятга асосланган бўлиши керак. Одамга зарар етказиши мумкин бўлган соҳалари (масалан, қимор ўйинлари, алкоголь, тамаки маҳсулотлари ва бошқалар)ни молиялаштиришга рухсат берилмайди. Ушбу ҳолатлар мазкур фаолият қандай тамойиллар асосига қурилганлигини ўрганиш заруриятини ҳам юзага келтиради.

Қуйидагилар ислом молиясининг асосий тамойиллари:

молиячи даромади корхона фойдасидан келиб чиқади ва у ўз зиммасига олган тижорат таваккалчилигига асосланган бўлиши керак;

шариат бўйича пул – қийматга эга бўлмаган айирбошлиш воситасидир;

бизнесдаги фойда (зарар) ва таваккалчилик teng шериклик асосида амалга оширилади;

фойда ва инвестиция бўйича қатъий даромаднинг кафолатланмаслиги;



битимлар чайқовчилик ёки қимор ўйинларидан холи бўлиши (майсир); шартномада ноаниқ (ғарар) шартларнинг тақиқланиши (нархи, етказиб бериш вақти ёки предмети олдиндан белгиланмаган битимлар шариат тамойилларига мос келмайди);

спиртли ичимликлар, гиёхванд моддалар, қимор ўйинлари ёки шариат томонидан тақиқланган бошқа фаолият билан боғлиқ инвестицияларга йўл қўйилмайди¹⁰.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, банкларда ислом дарчалари фаолиятини ривожлантириш муаммоларини қуидаги турларга ажратиш мумкин:

Аҳлоқий муаммолар.

Ушбу муаммолар жамияда ўрнатилган диний қардриятлар билан боғлиқдир. Бунинг асосий сабабларини рибо (фоиз асосидаги кредитлар) ва молиявий жарималарни (пения) шаръян ҳаром қилинганлигидир. Демак, дастлаб ушбу масала аҳлоқий жиҳатдан тартибга солиниши зарур.

Таъкидлаш жоизки, амалдаги банклар фаолияти кредитлар, депозитлар, фоиз ва пенялар асосига қурилган. Бунда фаолияти халқаро хуқуқда эътироф этилган иқтисодий тартиб-таомилларга мувофиқ ташкил этилган. Бироқ, ушбу молия тизимлари ислом шариати нормаларига зид бўлганлиги боис, банклар томонидан таклиф этилаётган хизматлардан фойдаланиш имкониятини чеклайди.

Хуқуқий муаммолар

Ушбу муаммоларни ислом молияси нормаларини соҳага доир норматив-хуқуқий хужжатларда белгиланмаганлиги билан боғлаш мумкин. Ислом молия маҳсулотлари ва хизматларини тартибга соловчи қонунларнинг йўқлиги ҳамда амалдаги банк фаолиятида ва солиқ қонунчилигига ислом хуқуқи тамойиллари ҳисобга олинмаганлиги хуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ муаммоларни юзага келтиради. Бундан ташқари, банклардаги мавжуд дастурий таъминот тизимларини ислом молия битимлари бўйича амалиёт ўтказишга мослаштирилмаганлиги ҳам ушбу муаммонинг ташкилий элементи ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, ислом молияси муробаҳа, салам, мушорака, истисна, ижара, қарз, вадиа, музораба, вакала, такофул ва бошқа молиявий хизматлардан (шариат тамойиллари асосига ўрнатилган таърифлар) асосига қурилган. Демак, дастлаб ушбу тушунчалар амалдаги фуқаролик, солиқ ва бошқа қонунчилик нормаларида белгиланиши мақсадга мувофиқ. Ушбу ҳолат Ислом динига эътиқод қилувчи фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида белгиланган иқтисодий хуқуқлардан teng фойланиш имокниятини беради.

¹⁰ Christopher G. Cross, Craig R. Nethercott, Harjaskaran Rai and Mohammed A. AlSheikh, Latham & Watkins LLP Islamic Project Finance Published on 11-Mar-2010. 4 p. Practical Law Publishing Limited and Practical Law Company, Inc.



Иқтисодий муаммолар.

Ушбу муаммоларга фаолиятини ташкил этишнинг иқтисодий асосларини яратиш, хусусан фаолиятга инвестицияларни жалб этиш, зарур инфратузилмалар ва омонатлар ҳимоясининг йўқлиги ҳамда фискал тўсиқларни¹¹ киритиш мумкин. Бу борадаги, муаммоларни бартараф этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилаётган бўлса да, ҳозирча мавжуд механизм бир маромга тушгани йўқ. Мисол учун, жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан Ислом тараққиёт банки қўмагида юртимизга таклиф этилган “Islamic finance advisory and assurance services” (Буюк Британия) консалтинг компанияси делегацияси аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Молия вазирлиги, Марказий банк, тижорат банклари, микрокредит, лизинг ва суғурта ташкилотлари вакиллари билан музокара олиб боришиди. Бунда, мамлакатда исломий молиялаштириш воситаларини жорий этишнинг ҳуқуқий асосини яратиш мақсадида амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича навбатдаги қўшма саъй-ҳаракатларга эътибор қаратилди¹².

Кадрлар таъминоти билан боғлиқ муаммолар

Албатта, ислом молиялаш тизимини ташкил этишда шаръий нормаларни яши тушунадиган иқтисодчиларнинг бўлиши муҳим аҳамияга эга. Бироқ, ҳозирги кунда мамлакатда бундай мутахассисларни тайёрлаш бўйича алоҳида институтлар ташкил этилмаган. Фикримизча, бу борада иқтисодиёт ва юриспруденция йўналишларида кадрларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ ю

Хуноса.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, банкларда ислом дарчаларини ташкил этишда тизимли муаммолар мавжуд. Ушбу муаммоларни бартараф этиш соҳа бўйича муайян ислоҳотларни амалга оширишни тоқазо этади. Бунда қуйидаги масалаларга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ:

биринчидан, банкларда ислом дарчаларини жонлантириш учун аввало, соҳани ҳуқуқий тартибга солиш механизmlари қайта кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Бу борада, амалдаги банклар фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Солиқ кодексига ислом молия тизими тамойиллари ва таърифларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши зарур;

иккинчидан, ислом молияси ва банкчилиги фаолиятини тегишли олий таълим муассасалари (Ўзбекистон халқаро ислом академияси, ТДИУ, ТДМИ, ТДЮУ) ўқув режаларига киритиш ва бу борада соҳавий кадрларни тайёрлаш

¹¹ С.Бурхонов. Ўзбекистонда ислом молиясини жорий этишга нималар тўскинилк кilmokda? <https://globalhalal.uz/blog/ozbekistonda-islom-moliyasi-zhorij-etishga-nimalar-toskinlik-kilmokda/>

¹² Ўзбекистонда ислом молияси ва банкини жорий этиш масаласи кўриб чиқилди. https://uza.uz/uz/posts/ozbekistonda-islom-moliyasi-va-bankini-zhoriy-etish-masalasi-korib-chiqildi_348453



тизимини йўлга қўйиш. Ушбу ҳолат кадрлар таъминоти билан боғлиқ муаммоларни ечилишига имкон беради;

учинчидан, Ислом молий институтлари учун бухгалтерия ҳисоби ва аудит ташкилоти (AAOIFI) сертификатлари татбиқ қилиниши ва банк мутахассилари учун ислом молияси ва банкчилиги бўйича тренинглар ташкил қилиниши керак;

тўртингчидан, банкларда ислом дарчларини ташкил этилганлиги ҳамда унинг мазмун-моҳияти ОАВ орқали кенг ёритилиши зарур. Мазкур ҳолат инвестицион жозибадорлигини оширишга ҳамда молиявий ресурсларни кенг жалб қилишга имкон беради.